

Макка ва Мадинанинг энг қадимги тасвирлари сотувга қўйилди



14:00 / 24.05.2021 2879

Машҳур Sotheby's ким ошди савдоси уйи дунёдаги мусулмонлар учун энг муҳим жойларнинг илк суратларини сотувга қўйди. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради. Улар орасида 1791 йилда Макканинг панорамали ўймакорлик манзараси тасвирланган.

430 x 865 мм панорамали ўймакорлик манзарасида ўша пайтдаги энг катта ҳажмдаги Ҳажга келган зиёратчилар тасвирланган. Ушбу ажойиб нашр узоқ вақт давомида мавжуд эмас деб ҳисобланган. Ким ошди савдосида зарбхона 12-18 минг фунт стерлингга баҳоланмоқда.

Мусулмонларнинг зиёратгоҳлари билан бир қаторда акварел ва гуашда ишланган яна иккита расм ҳам онлайн-аукционда намойиш этилади.

Улардан бирида Мадинанинг панорамали кўриниши акс этган. Бошқасида эса Каъба ва Ҳарам масжиди тасвирланган. Иккала расм ҳам тахминан 1840 йилга тўғри келади.

Хуршид Маъруф тайёрлади.